
Халқ депутатлари Қува туман Кенгашининг 2022 йил 30 март куни ўтказиладиган 37-сессиясида туман ҳокими Умаров Халимжон Комиловичнинг, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 январ кунги “Ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйи

Халқ депутатлари Қува туман Кенгашининг 2022 йил 30 март куни ўтказиладиган 37-сессиясида туман ҳокими Умаров Халимжон Комиловичнинг, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 январ кунги “Ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар фаолиятини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4102-сонли қарорининг тумандаги ижроси, туманда хизматлар соҳасини ривожлантириш юзасидан, туманда амалга оширилаётган ишлар тўғрисида

АХБОРОТИ

—

Ассалому алайкум ҳурматли секторлар раҳбарлари, ҳурматли депутатлар, сессия қатнашчилари!

Мухтарам юртбошимизнинг 2017 йил 8 августдаги “Ҳудудларнинг жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга доир устувор чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3182-сон ҳамда 2019 йил 8 январдаги “Ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар фаолиятини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4102-сон қарорларига асосан ҳудудларда шаҳар, туман ҳокимлари, прокуратура, ички ишлар ва давлат солиқ хизмати органлари раҳбарлари бошчилик қиладиган комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар фаолияти ташкил этилди.

Мазкур қарорларга асосан секторлар раҳбарларига ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш вазифаларини ташкил этиш ва ҳал қилиш, шу жумладан, аҳолининг энг муҳим муаммоларини ечиш юзасидан бир қатор аниқ вазифалар юклатилди.

Ўтган 2021 йилда секторлар фаолиятини янада самарли ташкил этиш мақсадида Мухтарам Юртбошимизнинг ташаббуслари билан маҳаллабай ишлаш тизими жорий этилди.

Ҳурматли депутатлар,

Рухсатингиз билан ушбу йўналишда, 2022 йил биринчи чорак якуни бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисида ахборот берсам:

Маҳалла фуқаролар йиғинларига тайинланган ҳоким ёрдамчилари томонидан, жорий йил ўтган даври мобайнида **65 та** маҳаллаларда хатлов ишлари тўлиқ якунланди.

Хатлов натижаларига кўра туман ҳудудидаги хонадонлар 4 та тоифага ажратиб олинди. 1 / 6

Жумладан,

биринчи тоифа - даромади кам, бироқ даромад топишга ҳаракат қилаётган хонадонлар 6,1 фоизни (2 805 та);

иккинчи тоифа - доимий даромадга эга, қўшимча даромад топиш истагидаги хонадонлар 67,5 фоизни (31 180 та);

учинчи тоифа - ижтимоий ҳимояга муҳтож, боқувчисини йўқотган, ногиронлиги бўлган хонадонлар 5,6 фоизни (2 586 та);

тўртинчи тоифа - иқтисодий аҳволи яхши ва ўзига тўқ хонадонлар 20,8 фоизни (9 581 та) ташкил этмоқда.

Жорий йил бошидан туман бўйича хатлов давомида аниқланган **12 608 нафар ишсиз** фуқаролардан, жами **3 093 минг нафарини (24,5%)** бандлиги таъминланган.

Жумладан:

223 нафари доимий ишга жойлаштирилди,

176 нафари жамоат ишларига жалб этилди,

1 720 нафари ўзини-ўзи банд қилиш орқали бандлиги таъминланди,

147 нафари касб-хунар ва тадбиркорликка ўқитилмоқда,

98 нафари янги ташкил этилган ЯТТлар,

87 нафари янги ташкил этилган хунармандлар,

21 нафарини ташқи миграция орқали бошқа давлатларга ишга юборилган ҳолда бандлиги таъминланган.

Шунингдек,

Кредит маблағлари ҳисобига тадбиркорлик қилиш истагида бўлган **2 573 нафар** фуқаролар аниқланган бўлиб, шундан оилавий тадбиркорликни йўлга қўйиш учун “Онлайн платформа” орқали

2 061 нафари **60,9 млрд.сўм**га кредит олиш учун ариза юборган.

Жумладан:

- Ишлаб чиқаришга 7 нафар фуқаролардан 865 млн.сўм;

- Тикувчиликка 314 нафар фуқаролардан 7 млрд. 392 млн.сўм;

- Иссиқхона учун 552 нафар фуқаролардан 16 млрд 104 млн.сўм;

- Паррандачилик учун 52 нафар фуқаролардан 1 млрд 116 млн.сўм;

- Қорамол учун 27 нафар фуқаролардан 1 млрд. 59 млн.сўм;

- Қўй-эчки учун 627 нафар фуқаролардан 16 млрд. 737 млн.сўм;

- Куёнчилик учун 12 нафаридан 217 млн.сўмга;

- Асаларичиликка 105 нафаридан 2 млрд. 941 млн.сўмга;

- Балиқчилик учун 15 нафаридан 580 млн.сўмга;

- Бошқа йўналишларда 380 нафаридан 13 млрд. 866 млн.сўмга кредит маблағларини олиш мақсадида талаблар келиб тушган.

Мазкур платформа орқали юборилган аризалардан, хозирги кунгача ҳоқим ёрдамчилари томонидан **1 487** таси ўрганилиб, **1 122** нафарига кредит олишга ижобий хулосалар берилган.

Тавсия берилган аризалар бўйича хозирги кунгача банклар томонидан жами **183 нафар** фуқароларга жами **4 млрд. 388 млн.сўм** кредитлар ажратилган.

Субсидия ҳисобига ўзини-ўзи банд қилиш истагида бўлган 430 нафар фуқаролар аниқланган бўлиб, шундан 146 нафарига ҳоқим ёрдамчилари томонидан ижобий хулосалар берилган.

Мазкур йўналиш бўйича, аҳолининг ўзини-ўзи банд қилиш ва банлигини таъминлаш, шунингдек уларга тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишлари учун 35 нафар ишсиз фуқароларга жами 153,2 млн.сўм субсидиялар ажратилди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 709-сонли қарорига асосан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш учун ерларни узоқ муддатга ижарага бериш орқали жами **2 479 нафар** фуқароларнинг бандлиги таъминланди.

Шунингдек, юртбошимизнинг 2022 йил 15 январ кунги “Маҳаллабай ишлаш ва камбағалликни қисқартириш ҳамда аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича 2022 йилда амалга ошириладиган устувор вазифалар тўғрисида”ги кенгайтирилган тарзда ўтказилган видеоселектор йиғилишида берилган топшириқлари ҳамда вилоят ҳоқимининг кўрсатмаларига асосан тумандаги барча маҳалла фуқаролар йиғинларида мини инкубаторлар ташкил этилди.

Юқоридаги топшириқларни ўз вақтида ва самарали ижросини таъминлаш бўйича ҳоқим ёрдамчилари томонидан ишлар давом эттирилмоқда.

Жорий йил туманимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурини амалга ошириш бўйича аниқ манзилли йўл харита ишлаб чиқилган.

Мазкур йўл харита тегишли ташкилотлар, муассасалар ва идоралар томонидан берилган таклифлар доирасида ишлаб чиқилган бўлиб, 12 та йўналиш, 63 та бандни ўз ичига олади.

Ҳурматли сессия қатнашчилари,

Рухсатингиз билан, туман иқтисодиётини ривожлантиришнинг асосий йўналишларидан бири бўлган хизматлар соҳасида жорий йилда амалга ошириладиган ишларга тўхталиб ўтсам.

2022 йилда хизматлар соҳасини ривожлантириш дастури хизматлар соҳасини янада кенгайтириш, хизматлар билан ички истеъмол бозорини тўлдириш, янги хизмат кўрсатиш корхоналари ташкил этиш ҳисобига қўшимча иш ўринлари яратиш ва аҳоли бандлигини оширишни рағбатлантириш, аҳоли даромадлари ва турмуш даражасини ошириш мақсадида ишлаб чиқилди.

Дастур параметрларига мувофиқ, 2022 йилда туманда барча соҳаларда жами **586.1 млрд. сўмлик** 1000 га яқин катта ва кичик лойиҳалар амалга оширилиб, **4 218 та янги иш ўринлари** ташкил этилади ва фуқароларнинг бандлиги таъминланади.

Худудий инвестиция лойиҳалари

Туманда хизмат кўрсатиш йўналишида манзилли рўйхати шакллантирилган қиймати **97,1 млрд. сўмлик 28 та лойиҳалар** амалга оширилиши ҳисобига **364 та янги иш ўринлари** яратилади.

Жумладан, 6 та шахсий хизмат кўрсатиш, 3 та соғлиқни сақлаш, 1 та умумий овқатланиш ташкил этиш, 2 та савдо, 4 та таълим ва 12 та бошқа турдаги хизмат лойиҳалари амалга оширилади.

Мисол учун: Қақир МФЙда “Омад Шифо” МЧЖ қиймати 2,0 млрд. сўм. бўлган аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш хизмати орқали 18 та янги иш ўрни яратилади. “Кува Имон Келажак” ХК қиймати 1,25 млрд. сўм. бўлган аҳолига болалар ўйин майдончаси ташкил этиш орқали 12 та иш ўрни яратилади.

Автомобиль йўллари ёқасида амалга ошириладиган лойиҳалар

Ҳалқаро аҳамиятли йўллар ёқасида қиймати 174,0 млрд. сўмлик 98 та лойиҳалар амалга

оширилиши ҳисобига 1910 та иш ўринлари яратилади.

Жумладан, 4Р-112 Фарғона халқа автомобил йўлида қиймати 144,0 млрд.сўмлик лойихалар амалга ошириш ҳисобига 1510 та;

4Р-139 Фарғона халқа автомобил йўлида қиймати 5,0 млрд сўмлик лойихалар амалга ошириш ҳисобига 60 та;

4Р-140 Марғилон-Қува-Мархамат автомобил йўлида қиймати 24,0 млрд.сўмлик лойихалар амалга ошириш ҳисобига 340 та янги иш ўринлари яратилади.

Туризм хизматларини ривожлантириш

Туризм соҳасида қўшимча **72 та лойиҳалар** амалга оширилиб **215 та янги иш ўринлари** яратилади.

Жумладан:

- "Қува шахристон" мажмуасидаги янги туризм объектларига муҳандислик коммуникацияларини яхшилаш (интернет, электр, чироқлаштириш, канализация);

- Турк МФЙ ҳудудидаги "Каркидон" сув омбори ҳудудидаги туризм йўналишидаги инвестиция объектлари муҳандислик коммуникацияларини яхшилаш (ичимлик суви тик қудуғини ташкил қазииш, сув минораси ва трансформатор ўрнатиш, интернет, электр, чироқлаштириш, канализация);

- Туристтик масканларга олиб боровчи 38 км йўлларни таъмирлаш чораларини кўриш;

- "Толмозор" рекреацион зонаси ("Саид Ибн Ваққос" ва "Қоровул" ота зиёратгоҳлари) сув омбори ҳудудидаги туризм йўналишидаги инвестиция объектлари муҳандислик коммуникацияларини яхшилаш (ичимлик суви тик қудуғини ташкил қазииш, сув минораси ва трансформатор ўрнатиш, интернет, электр, чироқлаштириш);

Мисол учун: "Каркидон" сув омбори акваториясида аниқланган бўш ер майдонларини Онлайн аукционда инвеститция киритиш шарти билан жойлаштириладиган лойиҳалар ҳисобига туристик салоҳиятини кенгайтириш ва дастлабки босқичда **97 та иш ўринлари** яратиш:

"Толмозор" маҳалла фуқаролар йиғини туризм рекреация ҳудудидаги "Саъди Ваққос" ҳамда "Қоровул ота" зиёратгоҳларида туризмни ривожлантириш орқали дастлабки босқичда **38 та иш ўринлари ташкил этиш:**

- 2 та умумий овқатланиш шохобчаларини ташкил этиш орқали 8 та;

- 4 та савдо дўконлари ташкил этиш орқали 8 та;

- 2 та меҳмон уйлари фаолиятини йўлга қуйиш орқали 6 та;

- 2 та фотосалон, 2 та сартарошхона, 4 та бошқа турдаги хизмат кўрсатиш лойиҳалари ташкил этиш орқали 16 та иш ўринлари яратиш.

Кўнгил очар кўчалар (Shopping Street)

Туманда 2 та кўнгил очар кўча ташкил этилади. Мазкур кўчаларда туну-кун ишлайдиган **10 та савдо ва хизматлар кўрсатиш** шохобчалари ташкил этилиши ҳисобидан **32 та иш ўринлари** яратилади.

Мисол учун, Тошекнт МФЙ "Бўстон" кўчасини кўнгилочар туни-кун ишловчи кўчага айланттириш лойиҳаси доирасида

- 2 та умумий овқатланиш марказлари;

- 1 та дорихона, 1 та гўзаллик салони;

- 1 та спорт ва фитнес клублари;

- 6 та савдо дўконлари ва 24/7 тартибида ишловчи банк хизматлари йўлга қўйилади.

Маҳаллаларда зарурий хизмат турларини ташкил этилиши

Хатлов асосида аниқланган 65 та маҳаллалардаги 19 та хизмат турлари бўйича жами **114 та хизмат кўрсатиш субъектларини** ташкил этиш орқали **332 та иш ўрни яратилади.**

- Лойиҳаларни жойлаштириш учун маҳаллалардаги бўш ер майдонлари ва бўш биноларни аниқланади;

- Аниқланган ер майдонлари ва бўш биноларни аукцион савдоларига чиқариш, ижарага беришни ташкил этиш, ДХШ асосида ажратиш имкониятларини ўрганилади;

- Маҳаллалардаги зарур хизматларини енгил конструкцияли шохобчалар ва кўчма савдо объектларини ташкил этиш орқали йўлга қўйилади;

Агрохизматларни ривожлантириш

Қишлоқ хўжалигида хизмат кўрсатишни ташкил этиш **8 та лойиҳаларни** амалга ошириш орқали **61 та янги иш ўрни яратилиши** кутилмоқда. Қишлоқ хўжалигига ихтисослашган маҳалларда пахта ва ғалладан қисқартириладиган 341 гектар ер майдонларида ташкил этиладиган 2655 та деҳқон хўжаликлари (Ал-Фарғоний, Навоий, Шербўтаев, М.Мансуров, ҳудудида) уруғ, кўчат ва ўғит етказиб бериш, мини техника билан таъминлаш, агроҳимоя ва сув тежовчи технологияларга хизмат кўрсатиш фаолиятига эга бўлган 4 та “Агрохизматлар маркази” ташкил этиш ҳамда кўшимча 20 та иш ўринлари яратилади.

Туманда аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш таъминлаш ва шу орқали камбағалликни қисқатириш йўлга қўйиш мақсадида аҳоли томорқаларига хизмат кўрсатувчи 2 та “Томорқа хизмати” МЧЖ ташкил этиш ва кўшимча 11 та иш ўринлари яратилади.

Шунингдек, ветеринария соҳасига қизиқиши бўлган 15 нафар ёшларни Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигига қарашли Қува касб-ҳунарга ўқитиш марказида (50,0 млн сўм) маҳаллий бюджет маблағи ҳисобидан ўқув курсларда ўқитиш ҳамда, 2 та хусусий ветеринария хизмати корхонаси ташкил этиш орқали 15 та иш ўринлари яратилади.

Ижтимоий хизматларни ривожлантириш

Ижтимоий соҳада хусусий сектор улушини кўпайтириш, давлат хусусий шерикчилик асосида ва бошқа 30 та лойиҳаларини амалга ошириш ҳисобига 165 та иш ўрни яратилиши белгиланган.

Жумладан:

- 3-7 ёш болалар қамрови паст бўлган 14 та маҳаллада 25 та оилавий мактабгача таълим ташкилотларини ташкил этиш орқали 130 та иш ўрни яратиш;

- 1 та хусусий мактабгача таълим ташкилотини ташкил этиш ҳисобига 15 та иш ўрни яратиш; (Темурбеклар мактаби)

- 4 та тайёрлов ўқув марказини ташкил этиш орқали 20 та иш ўрни яратиш хусусан Тошкент ва Ғалаба МФЙларида хорижий тилларга ўқитиш марказларини ташкил этиш режалаштирилган.

ЭРИШИЛАДИГАН НАТИЖАЛАР:

5 / 6

- Хизматлар ҳажми 697,4 млрд. сўмни, ўсиш 150,1 фоизни ташкил этади;

-
- Аҳоли жон бошига хизматлар кўрсатиш ҳажми 1,7 млн. сўмдан 2,6 млн. сўмга етказилади;
 - Соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар ҳажми 4,7 млрд. сўмдан 7,3 млрд. сўмга етказилади;
 - Таълим соҳасидаги хизматлар ҳажми 15,1 млрд. сўмдан 20,3 млрд. сўмга етказилади;
 - Яшаш ва овқатланиш хизматлари ҳажми 6,4 млрд. сўмдан 9,9 млрд. сўмга етказилади;
 - Шахсий хизматлар ҳажми 26,3 млрд. сўмдан 40,7 млрд. сўмга етказилади;
 - Кўчмас мулк билан боғлиқ хизматлар ҳажми 20,6 млрд. сўмдан 31,9 млрд. сўмга етказилади;
 - Мобил интернет билан қамров даражасини 87%дан 95 %га етказилади;
 - Туманда 4218 нафар фуқароларнинг бандлиги таъминланади.

Ҳурматли депутатлар, ҳурматли сессия қатнашчилари!

Жорий йил давомида, туманимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича белгиланган ҳар бир йўналишларда тизимли ишларни амалга ошириш ҳамда туманимизни ҳар жиҳатдан вилоятимизда, қолаверса мамлакатимизда етакчилар қаторига олиб чиқишни бош мақсадимиз этиб белгилаб олдик. Бу борада барчамиз ҳамжиҳатликда меҳнат қилиб, бор кучимиз, ғайратимизни сафарбар этсак ўйлайманки кўзлаган мақсадимизга албатта эришамиз. Бу йўлда барчангизга куч-қувват тилайман.

Эътиборингиз учун раҳмат.

2022-04-11 18:33:52